

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**101 Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2563*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 355-модда) асосан **буюраман:**

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (М. Ишбеков) ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир**Н. ЙЎЛДОШЕВ**Тошкент ш.,
2014 йил 28 февраль,
51-мх-сон*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги
51-мх-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати
ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия
органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 355-модда) мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (бундан буён матнда ҳокимлик деб юритилади) юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби, шунингдек ҳисобот шаклини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари деганда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек туман ва шаҳар ҳокимликлари тушунилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомнинг 5-бандига мувофиқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига ҳисоб берадилар.

II боб. Ҳисобот тақдим этиш

3. Ҳокимликларнинг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар мазкур Низомнинг иловасида келтирилган шаклдаги жадвалга мувофиқ тақдим этилади.

4. Ҳисобот бевосита тегишли юридик хизмат ходими томонидан тўлдирилади ва имзоланади. Юридик хизмат бўлинма (департамент, бошқарма ёки бўлим) тарзида ташкил этилган бўлса, ундаги юридик хизмат ходимларининг ҳар бири ўзи томонидан бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тузади.

Агар юридик хизмат ходими ҳисобот чорагининг охири ойида лавозимга тайинланган бўлса, у томонидан бажарилган ишлар бўйича маълумотлар кейинги чорак якуни бўйича тақдим этиладиган ҳисоботга қўшиб берилади.

5. Ҳисобот ҳар чорак якунлангандан сўнг, кейинги ойнинг 5-санасига қадар ўсиб боровчи тартибда қоғоз ва электрон шаклда кузатув хатига илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.

6. Тақдим қилинган ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида адлия органлари томонидан уларда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиб олиниши мумкин.

III боб. Якуний қоидалар

7. Адлия органлари тегишли равишда ҳисоботларни умумлаштиради, таҳлил қилади, зарур ҳолларда, чора-тадбирлар белгилайди.

8. Ҳисоботларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгарлик юридик хизмат бошлиғи ва тегишли юридик хизмат ходимига, уларнинг адлия органларига белгиланган муддатларда тақдим қилиниши учун жавобгарлик эса, тегишли ҳокимга юклатилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юри-
дик хизмати ходимлари томонидан бажарилган
ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот
тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга
ИЛОВА

9 (613)-сон

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан
бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига тақдим этиладиган
СТАТИСТИК ҲИСОБОТ ШАКЛИ**

01.01. — «__» _____ 20__ йил ҳолатига (ҳисобот даври)

Т/р	Юридик хизмат ходими Ф.И.О. ва иш жойи	Юридик хизмат ходими томонидан ишлаб чиқилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарор (фармойиш)лари сони	Юридик хизмат ходими томонидан кўриб чиқилган ва виза қўйилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарор (фармойиш)- лари сони	Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, виза қўйилган норматив- ҳуқуқий тусдаги қарорлар лойиҳалари сони (2-устундан)	Шундан		Адлия органига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган норматив- ҳуқуқий тусдаги қарорлар лойиҳалари сони	(чораклик, йиллик) Шундан	
					халқ депутатлари Кенгашининг норматив- ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳалари	ҳокимнинг норматив- ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳалари		халқ депутатлари Кенгашининг норматив- ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳалари	ҳокимнинг норматив- ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳалари
					4	5		7	8
		1	2	3			6		

Изоҳ: ҳисоботдаги кўрсаткичлар ўсиб боровчи тартибда тўлдирилади.

(шакл давоми)

(чорақлик, йиллик)

T/p	Адлия органига давлат ҳисобига олиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлар сони	Шундан		Виза қўйилган ва хулоса берилган шартнома лойиҳалари сони	Ўзма хулоса берилган шартнома лойиҳалари сони (12-устундан)	Ҳокимлик ва унинг тизимига кирувчи бўлимларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ўтказилган ўрганишлар сони	Ўрганиш натижасида айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича киритилган таклифлар сони	Шундан		
		халқ депутатлари вилоят (туман, шаҳар) Кенгашининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари	ҳокимнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари					интизомий жавобгар-ликка тортиш тўғрисида	маъмурий жавобгар-ликка тортиш тўғрисида	жиноий жавобгар-ликка тортиш тўғрисида
		10	11	12	13	14	15	16	17	18

(шакл давоми)

(чорақлик, йиллик)

T/p	Ҳокимликнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш масаласида қатнашилган суд мажлислари сони	Киритилган талабномалар		Шундан, қаноатлан-тирилган		Шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан судларга киритилган даъво аризалари		Шундан, қаноатлан-тирилган		Ҳокимликка киритилган ва юридик хизмат ходими иштирокида қўриб чиқилган тақдимномалар ва талабномалар сони	Шундан	
		sonи	сумма	sonи	сумма	sonи	сумма	sonи	сумма		тақдимнома	талабнома
		19	21	22	23	24	25	26	27		29	30

(шакл давом)

(чораклик, йиллик)

Т/р	Кўриб чиқилган фуқаролар мурожаатлари сони	Шундан			Ўтказилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари сони	Шундан					Ҳокимлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича киритилган таклифлар
		ариза	шикоят	таклиф		телевидение	радио	газета, журнал, веб-сайт	маъруза, семинар, давра суҳбати, конференция	плакат, буклет	
	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41

Юридик хизмат ходими _____
(Ф.И.О., имзо)

М.Ў.